

РЕНЕСАНС: ТАРИХИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сойиб Саидович РАУПОВ

Профессор

тарих фанлари номзоди

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Ренесанс сўзининг моҳияти очиб берилиб, унинг келиб чиқиш сабаблари атрофлича таҳлил қилинган. Асосий эътибор Шарқ ва Ғарб ренесанси орасидаги умумий ва фарқ қилувчи жиҳатлар таҳлиliga бағишланган. Шарқ Уйғониш даврида Европа Ренесанс даврининг асосий белгилари: жўшқин ижодий фаолият, улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани, ақлни ҳайратга солувчи бемисл асарларнинг яратилгани, шунга қарамадан айрим ўзига хос жиҳатлар мавжудлиги асослаб берилган.

Таянч сўзлар: Шарқ ва Ғарб Ренесанси, гуманизм, атеизм, Шарқ Ренесансининг ўзига хос хусусиятлари, фозил жамият, комил инсон.

РЕНЕССАНС: ИСТОРИЯ И ОСОБЕННОСТИ

Сойиб Саидович РАУПОВ

Профессор

кандидат исторических наук

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В статье раскрывается сущность термина Ренессанс, подробно описываются причины его происхождения, содержание. Основное внимание уделяется выявлению общих и отличительных аспектов между Восточным и западным Ренессансом. Основные признаки эпохи европейского Ренессанса в Восточном Ренессансе: динамичная творческая активность, осуществление огромной творческой работы, создание умопомрачительных сопоставимых работ, выявление некоторых уникальных аспектов.

Ключевые слова: Восточный и Западный Ренессанс, гуманизм, атеизм, особенности Восточного Ренессанса, благотворное общество, совершенный человек.

Бугун янгиланаётган Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини кўйиш ташаббуси илгари сурилди. Учинчи Ренессанс ғоясини, аввало, жамиятимиз чуқур англаб олмоғи керак. Ҳар жабҳада, соҳада қиладиган ишларимиз, режаю истиқбол дастурларимиз, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, инвестицион сиёсат — барчаси унга шароит ва муҳит яратишга қаратилмоғи даркор. Президентимиз таъкидлаганидек, “Биз кенг кўламли

демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак” [2].

Дарҳақиқат, давлат раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад этиб белгиланган экан, аввало, Ренессанснинг мазмун-моҳиятини, унинг тарихий илдизлари ва асосларини ҳар биримиз чуқур англаб олишимиз зарур. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон замини ўтмишда икки буюк уйғониш даврига — Биринчи (маърифий — IX–XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар — XIV–XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган.

“Ренессанс” фр. *renaissance* – “тикланиш”, “Уйғониш даври” маъноларини англатади [5; 557]. Атама сифатида унинг мазмуни анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишни, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради. Аниқроқ айтадиган бўлсак, насроний дини ҳукумронлиги даврида шаклланган схоластик дунёқараш илм-фан, маданият ва санъатнинг ривожланишига тўсқинлик қилиб, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши (феодал муносабатларнинг емирилиши, капиталистик муносабатларнинг шаклланиши) билан вужудга келган янгича дунёқарашни Антик давр маданиятининг қайта уйғониши деб талқин қилинди. Аслида эса бу маданият Антик давр маданиятидан тубдан фарқ қилувчи янги гуманистик маданият эди. Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин XIV–XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан қўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилига Уйғониш даври деб таржима қилинган.

«Ренессанс» атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалишга нисбатан қўлланилган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги

даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. Ренессанснинг асосий аломатлари: тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш (гуманизм), унинг истёждоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш; антик давр (юнонрум) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш; черков схоластикасидан қутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизғин куйлаш; инсон эрки, хурфикрлилик учун курашиш. Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намоиш этадиган улуғвор бадиий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илм-фан ривожланди. Италияда шоир Петрарка ва Данте, рассом Жотто, адиб ва мутафаккирлар Боккаччо, Ариосто, Тассо, Бёме Ренессанс ғояларининг жарчилари бўлиб майдонга чиқдилар. Кейинчалик Микеланжело, Рафаэль, Шекспир, Сервантес Европанинг турли мамлакатларида буни давом эттирдилар.

Аммо Ренессанс, яъни Ўйғониш даври фақат Европага хос ҳодиса эмас. Дунё маданиятини яхлит олиб ўрганган олимларнинг ишлари шуни кўрсатдики, Осиё марказида жойлашган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда Италияга қараганда бир неча аср олдин IX–XII асрларда) улкан маданий кўтарилиш юз берган, илм-фан, математика, риёзиёт, тиб илми, астронимия, фалсафа, адабиёт кучли ривожланиб, илғор инсонпарварлик ғоялари жамият фикрини банд этган, ақлий ва ижодий фаоллик гуркираган.

Австриялик атоқли шарқшунос Адам Мецнинг 1909 йилда “Мусулмон Ренессанси” номли фундаментал асари чоп этилган [6]. Шундан буён Ренессанс фақат Европага оид ҳодиса эмаслиги, уни Шарқ халқлари европаликларга нисбатан аввалроқ бошдан кечиргани тўғрисидаги қарашлар ва тадқиқотлар пайдо бўла бошлади. Россиялик буюк шарқшунос академик Н.Н.Конрад Ренессанс VII–VIII асрларда Хитойда бошланиб, VIII асрда Ҳиндистонда давом этгани, ундан IX–XII асрларда ислом мамлакатлари, аниқроғи, бизнинг юртимиз эстафетани қабул қилгани, кейинчалик мўғул истилоси туфайли анча пасайиб қолган юксалиш Амир Темур ва темурийлар

даврида (XIV-XV асрлар) яна қайта гуркираб ўсганини таъкидлайди. У Ўрта Шарқ Уйғониш даврини Алишер Навоий замонасигача чўзади [6].

Дарҳақиқат, барча Шарқ ва Ғарб олимларининг эътироф қилишларича, Европада XIV–XV1 асрларда юзага келган Биринчи ва Иккинчи Ренессанс юртимизда ундан бир неча юз йил аввал, яъни IX–XI1 асрларда (Биринчи Ренессанс) рўй берган. Ушбу улкан юксалишнинг содир бўлишининг ўз тарихий сабаблари бор, албатта. Чунки, мазкур даврда давлат тараққиёти учун жуда муҳим бўлган янги ислохотлар ва қонунлар жорий қилинди, ер-сув, қўшничилик муносабатларидан солиқларгача туб янгиланишлар содир бўлди. Давлат юритишдаги ва сиёсатдаги янгиликлар илм-фан кишиларини эзгу ғоялар теварагида бирлаштирди, турли-туман фанларга, айниқса математика, астрономия, кимё, тиббиёт, ҳуқуқ, геодезияга қизиқиш кучайди ва дунё тузилиши ҳақидаги замонавий назарияларга айнан ўша даврда асос солинди. Эътироф этиш жоизки, бу жараёнларда Ислом динининг пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳамда араб тилининг элатлараро алоқа воситаси сифатида кенг ёйилиши катта тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Шарқ Уйғониш даврида Европа Ренессанс даврининг асосий белгилари мужассам: жўшқин ижодий фаолият, улкан бунёдкорлик ишларининг амалга оширилгани, ақлни ҳайратга солувчи бемисл асарларнинг яратилгани шундан далолат беради. Шарқ Уйғониш даври ҳам улуг алломалар, қомусий билим соҳиблари, машҳур мутафаккирларни етиштирди. Аниқ фанлар соҳасида Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад ал Фарғоний, Умар Хайём, Мирзо Улуғбек жаҳоншумул кашфиётлар қилдилар. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Ибн Рушд, Муҳаммад Ғаззолий, Азизиддин Насафийларнинг фалсафий асарлари Шарқ олами тафаккур хазинасини бойитди, олам, одам ва жамият яхлитликда тадқиқ этилиб, янги қонуниятлар очилди, ақлий билим уфқлари кенгайди, фозил жамият ва комил инсон назарияси чуқур ишлаб чиқилди. Шеърятда Абу Абдулло Рудакий, Абулало ал Мааррий, Абулқосим Фирдавсий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби

даҳо ижодкорлар етишиб, ўлмас асарлар яратдилар, ишқ-муҳаббат, қаҳрамонлик, озодлик ва эзгуликни қуйладилар.

Миниатюра рассомчилигида бир неча мактаблар шаклланди, бунда Камолиддин Бехзод расмлари янги ижодий йўналишга асос солди. Уйғониш даврининг яна бир белгиси халқ руҳини ифодалайдиган «Минг бир кеча», «Калила ва Димна», «Қирқ вазир», «Тўтинома», «Синдбаднома», «Жомеъул ҳикоёт» каби қизиқарли саргузаштларга тўла, завқу шавқ қўзғатадиган асарларнинг кўпайгани, иккинчи томондан “Хамса”ларда бўлганидай, инсоний идеалларни мужассам этган ҳикмат ва фалсафага бой умумбашарий ғояларнинг тасвирланишидир.

Энди бу даврни Ғарбий Европа Ренессанси билан таққосласак, улар ўртасидаги ўхшашликларни кўриш мумкин. Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврининг ўхшашлик жиҳати шундан иборатки, уларнинг ҳар иккисида ҳам, ишлаб чиқариш кучлари ўсди, иқтисод соҳасида юксалиш юз берди, ижтимоий фикр кескин ривожланиб, буюк инсонпарварлик ғоялари улуғланган санъат ва адабиёт асарлари яратилди. Илм-фан ривожланиб, улкан илмий кашфиётлар қилинди.

Кези келганда алоҳида такидлаш жоизки, Шарқ ва Ғарб Уйғониш даврининг муштарак жиҳатлари билан бир қаторда, фарқ қилувчи томонлари ҳам мавжуд. Бу ҳақда академик М.Хайруллаев қуйидаги фикрни билдирган эди: "Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги Ренессанс даври икки ижтимоий-иқтисодий тузум чегарасида эмас, феодал ишлаб чиқаришнинг бир босқичидан иккинчи босқичига ўтиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқди дейиш мумкин. Бу Ренессанс даври, Европадагидек, буржуа ишлаб чиқариши ва буржуа маданиятининг жарчиси эмас эди. Ренессанс давридан кейин Европадагидек саноат ривожланиши ва буржуа маданияти вужудга келмади. Европада ижтимоий-иқтисодий ривожланиш узлуксиз давом этиб, буржуа тузумининг ғалабасига олиб келди" [3].

Демак, Биринчи ва Иккинчи Ғарб Ренессансининг асосий сабаби, Европа мамлакатларида феодал муносабатларнинг емирилиши, янги

капиталистик муносабатларнинг шаклланиши натижасида янгича дунёқарашнинг шаклланиши бўлса, юртимизда бу жараён феодал ишлаб чиқаришнинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиши билан боғлиқ. Хусусан, Ислом динининг тарқалиши билан йирик Халифалик давлатининг шаклланиши ва араб тилининг элатлараро мулоқот воситасига айланиши биринчи Шарқ Ренессансига асосий сабаблардан бири бўлиб хизмат қилган бўлса, Амир Темури томонидан марказлашган давлатнинг ташкил этилиши иккинчи Шарқ Ренессансига сабаб бўлди.

Ғарб ва Шарқ Ренессанси ўртасидаги муҳим фарқлардан яна бири шундаки, Ғарб Ренессанси янги буржуа маданияти ва дунёқарашининг—гуманизм (инсонпарварлик)нинг шаклланишига олиб келди. Инсонпарварлик ғоялари Европада ўрта асрларда инсоннинг камситилишига, уни худо ва дин номидан ҳақоратлаб, инквизиция гулханига ташлаган шафқатсиз диндорларга ва уларни қўллаб-қувватлаган жамият вакилларига қарши, инсон ҳуқуқлари учун мурасасиз кураш сифатида намоён бўлди. Инсонпарварлик кенг ижтимоий фикрни қамраб олиб, адабиёт, фалсафа, санъат ва бошқа соҳаларда XIV–XVI асрларда Италияда, кейинчалик эса Европанинг бошқа мамлакатларида кенг тарқалди. Ғарб Уйғониш даври алломаларининг асарларида насроний черкови ва дини пешволари устидан қулиш ҳолларининг учраши, баъзида, насроний черковининг танқид остига олиниши юқорида келтирган фикрларимизнинг махсули бўлса ажаб эмас. Кези келганда эътироф этиш жоизки, Ғарб Ренессанс даври маданиятида насроний черкови ва дини пешволари устидан қулинган бўлсада, худонинг мавжудлиги, руҳнинг ўлмаслиги тан олинади. Бу Ғарбий Европа Ренессанс даврининг аллома ва донишмандлари атеист бўлмаганликларидан далолат.

Шарқ Уйғониш даври ижтимоий тафаккурида инсонпарварлик ғоялари азалдан кенг тарқалган бўлиб, бу унинг кўпминг йиллик тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ўрта осийлик мутафаккирлардан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларида инсонпарварлик,

инсон эркинлиги, унинг кадр-қиммати ғоялари илгари сурилди. Форобий инсонларнинг иноқ ва дўст яшаши мамлакатда халқлар учун катта фойда келтиришини исботлашга интилган ва тинчликни қувватлаб, бутун фаолиятини инсоният хизматига қаратган. Навоий инсон тақдири, халқ манфаати, мамлакат ҳақида ғамхўрликни асосий масала қилиб қўйган. Дунёда энг қимматли нарсa инсондир, деган фикрни олға сурган. Унинг фикрича, бутун мавжудот, борлик инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим.

Шунингдек, Ғарбий Европа Ренессанси алломалари асарларида инсон энг олий қадрият сифатида талқин қилиниб, инсон танаси эҳтиёжларини қондириш табиий ҳол, уят эмас деб талқин қилинади. Ғарб Ренессанс даврининг йирик вакилларида бири Ж.Боккаччонинг “Декамерон” [4] асарига мурожат қилсак, фикримизнинг ёрқин исботини топамиз. Ғарб Ренессанси даврида илгари сурилган бундай ғоялар Шарқ Уйғониш даври ғояларига ва умуман, шарқона қадриятларга мутлақо мос келмайди. Бу даврда Ғарб Ренессансида индивидуаллик, ижодий янгилик, шахсий шухратга интилиш каби тушунчалар пайдо бўлди. Хусусан, гуманистлар инсон муваффақиятларининг негизида унинг индивидуал сифатлари ётишини исботлаб беришга уриндилар. Ғарб гуманизми инсонни субъектив томонларига кўпроқ эътибор бериб, индивидуализм ва шахсиятпарастлик руҳи билан суғорилган эди. Шарқ гуманизми эса улардан фарқли ўларок, кишиларни жамоавийликка, ҳаётда фаол бўлишга, бунёдкорликка, меҳр-шафқатли бўлишга ундайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Европа ва Шарқ Ренессанси даври маданияти ўзгача ижтимоий-иқтисодий шароитда юз берган бўлса ҳам, улар ўртасида кўплаб умумий ва ўхшаш жиҳатлар мавжуд бўлиши билан бир қаторда, фарқ қилувчи – ўзига хос жиҳатлари ҳам бор эди. Булар тарихий тараққиётнинг кейинги босқичларида янада ривожланиб, халқимизнинг миллий қадриятларимизга асосланган, умуминсоний қадриятлар билан

бойитилган ўзига хос дунёқрашининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимизда улуғ ниятлар билан пойдевори қўйилаётган Янги Уйғониш даврининг ёрқин саҳифаларга бой буюк тарихи яратилмоқда. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жараёни беш-ўн йил эмас, анча катта ва машаққатли даврни талаб қилади. Бунинг учун, аввало, минглаб истеъдодли кадрлар, иқтидорли замонавий ёшлар, фидойи инсонлар ниҳоятда зарур. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги йилларда ҳаётимизнинг биргина йўналиши, яъни маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла қабиб кўрсак ҳам, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Янги Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. Учинчи Ренессанс нима дегани? («Янги Ўзбекистон» газетасига 2021 йил 17 августда берган интервьюси).
<https://www.gazeta.uz/uz/2021/08/17/renaissance/>
2. Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан 2021 йил 1 октябрь куни сўзланган нутқ. 01.10.2021 й.// <http://uchildiz.uz/>.
3. Бўриев И.И. Ўрта Осиёда сўнги уйғониш даври ва Ғарб ренессанси.//<https://cyberleninka.ru/article/>
4. Жованни, Бокаччо. Декамерон: Ўн куннинг юз қиссаси. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. — 694 б.
5. Словарь иностранных слов. — Москва: Советская энциклопедия, 1964. — 784 с.
6. Эркаев А. Учинчи Ренессанс — миллий гоё сифатида.
<https://xs.uz/uzkr/post/uchinchi-renessans-millij-goya-sifatida>
7. Уйғониш даври.//<https://qomus.info/encyclopedia/cat-u/uygonish-davri-uz/>